



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » sentabr

№ 579

Toshkent sh.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишда экспертиза ўтказиш жараёнига алоқадор шаҳарсозлик фаолияти субъектлари фаолиятини уларнинг бу борадаги ўзаро муносабатларини тартибга солиш орқали янада ривожлантириш ҳамда экспертиза-тартибот жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали соҳада шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 октябрдан бошлаб шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини амалга оширишда:

шаҳарсозлик ҳужжатлари объектларнинг хавф-хатарлар тоифаларининг таснифига мувофиқ “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали кўриб чиқилади;

давлат бюджети ва унга тенглаштирилган манбалар, давлат ва давлат ташкилотлари кафолатлари остида олинган ташқи инвестиция маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўриб чиқилади;

бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар лойиҳа ҳужжатлари объектлар хавф-хатарлар тоифаларининг таснифига мувофиқ аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари – юридик шахслар, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўриб чиқилади;

лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий экспертиза хулосаси эксперт ташкилоти томонидан ахборот тизимининг “Экспертиза хулосаларининг ягона реестри”га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади;

эксперт ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказганлик учун хизматлар ҳақини табақалаштирилган тартибда ҳисоблаш тизими жорий этилади;

эксперт ташкилотлари эксперт – мутахассислари белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилсин ва уларни сертификатлаш тизими йўлга қўйилади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари сметасида қўлланилган ресурслар нархлари бўйича экспертиза ҳулосасини тайёрлашда қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлар ҳамда ўртача иш ҳақи тўғрисидаги давлат статистика маълумотларидан фойдаланиш услубиёти ишлаб чиқилсин ҳамда амалиётга татбиқ этилади.

2. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий филиаллари моддий-техник базасини корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари сметасида қўлланиладиган ресурсларнинг нархлари бўйича экспертиза ҳулосаси:

қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларнинг бошланғич қиймати Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига (stat.uz) жойлаштириб бориладиган қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлар ҳамда ўртача иш ҳақи кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади;

бунда нархлар йил давомида ўзгариши инобатга олиниб, муайян давр учун ўртача нарх нархлар ўсиши тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тизими жорий этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этувчи экспертларни аттестациядан ўтказиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

2021 йил 1 октябрга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишнинг такомиллашган тизими “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида жорий этилишини таъминласин;

2021 йил 1 ноябрга қадар Давлат тест маркази билан биргаликда тасдиқланган режа-жадвал асосида эксперт ташкилотлари эксперт – мутахассисларини аттестациядан ўтказсин;

2021 йил 10 ноябрга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, мутасадди вазирликлар ва идоралар статистик ҳамда идоравий маълумотлар асосида автоматик тарзда шаклланадиган эксперт ташкилотларининг электрон рейтингини жорий этиш назарда тутилган ҳужжат лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ҳужжат лойиҳасида энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган эксперт ташкилотларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида уларга давлат томонидан қўшимча имкониятлар ва имтиёзлар тақдим этилиши назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 сентябрдаги 579-сон қарорига
1-илова

**Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий
таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларининг
лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги
юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом юридик ва жисмоний шахсларнинг (кейинги ўринларда – буюртмачи) шаҳарсозлик ҳужжатлари, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини (ишчи лойиҳа, лойиҳа-смета ҳужжатлари, ишчи ҳужжатлар) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлар, энергия самарадорлиги кўрсаткичлари, ёнғинга қарши ҳамда экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

эксперт – белгиланган тартибда аттестациядан ўтган ва тегишли сертификатга эга бўлган, қурилиш соҳасида камида беш йил иш тажрибасига эга (асосан лойиҳа ташкилотларида ишлаган) бўлган олий маълумотли мутахассис;

техник-иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда – ТИА/ТИХК) – лойиҳанинг умумий энг кўп миқдордаги қийматини ва молиялаштириш эҳтиёжи ҳажмини молиялаштиришнинг кўриб чиқилган дастлабки шартларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб берувчи муқобил вариантларни ўрганиш асосида лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник-технологик ва ташкилий ечимини танлашни асослаб берадиган лойиҳаолди ҳужжатлар;

ишчи лойиҳа (кейинги ўринларда – ИЛ) – энг кўп қиймат акс этган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва ишчи ҳужжатлар бўлган тасдиқланадиган қисм ҳамда ишчи чизмалар билан бирга тайёрланадиган техник лойиҳадан ташкил топган лойиҳа ҳужжати;

ишчи ҳужжатлар – алоҳида бинолар ва иншоотлар ҳамда иш турлари учун ишчи чизмалар жамланмасидан иборат лойиҳа ҳужжати. Мураккаб объектлар бўйича ишчи ҳужжатларни тайёрлашда бутун бино ва иншоот учун ишлаб чиқиладиган ишчи чизмалар билан бирга лойиҳанинг

аниқлаштирувчи материаллари бўйича қўшимча ўрганишлар амалга оширилади. Ишчи ҳужжатларда ишчи-соат ва асосий қурилиш материаллари харажатларидаги ўзгаришлар келтирилиши, спецификациялар, жиҳозлар ва маҳсулотларнинг тегишли турларига ўлчам схемалари, бино ва иншоот учун ишчи қурилиш чизмаларининг паспортлари тузилиши лозим. Қоидага кўра, ишчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган ТИА/ТИХК асосида ишлаб чиқилади;

тармоқ илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда – ТИТК) – илғор технологияларнинг жорий этилиши, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш йўналишларини инобатга олган ҳолда, лойиҳанинг асосий техник-технологик ечимларини унинг тармоқ ривожланиш истиқболларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан аниқлаш мақсадида ташаббускор (буюртмачи) қарори билан ташкил этиладиган коллегиял орган;

шаҳарсозлик ҳужжатлари – ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақида тасдиқланган ҳужжатлар.

3. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизаси махсус ваколатли давлат органининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, ваколатли вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, эксперт комиссиялар ва гуруҳлар, шунингдек, аккредитация қилинган юридик шахслар (кейинги ўринларда – эксперт ташкилотлари) томонидан ўтказилади.

Алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси махсус ваколатли давлат органининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

4. Шаҳарсозлик ҳужжатлари шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига, шаҳарсозлик, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлар, ёнғинга қарши ҳамда экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилиши лозим.

5. Шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш учун шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларининг техник қисми, яъни зилзилабардошлик, энергия самарадорлиги кўрсаткичлари, ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан мажбурий экспертизадан ўтказилиши лозим.

6. Барча қурилиш объектлари учун лойиҳаларнинг смета қисмини экспертизадан ўтказиш мажбурийдир, қурилиши тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно.

7. Қуйидаги объектларининг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш мажбурий эмас:

мавсумий ишлар учун вақтинча ва маиший бинолар;

уч юз куб метрдан ортиқ бўлмаган алоҳида қурилатган кичик ҳажмдаги объектлар;

икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар;

жорий таъмирланадиган бинолар, иншоотлар.

8. Экспертлар ва эксперт ташкилотлари ўз фаолиятида шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан мустақилдир. Шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва улар бўйича экспертиза хулосаларини тайёрлаш вақтида ҳеч ким экспертлар ёки эксперт ташкилотлари ишига аралашишга ҳақли эмас.

9. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилотлари томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги (кейинги ўринларда – ахборот тизими) “Эксперт хулосаларининг ягона реестри”га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган лойиҳа ҳужжатлари бўйича эксперт хулосалари бундан мустасно.

10. Эксперт ташкилотлари ва экспертлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

11. Шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларининг сметасида қўлланилган ресурслар нархлари бўйича экспертиза хулосаси:

қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бошланғич қиймати Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига (stat.uz) қўйиб бориладиган қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлар ҳамда ўртача иш ҳақидан фойдаланган ҳолда шакллантиради;

бунда нархларнинг йил давомида ўзгаришини инобатга олиб, муайян давр учун ўртача нарх нархлар ўсиши тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилади.

2-боб. Эксперт ташкилотларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Эксперт ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) белгиланган тартибда шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

б) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

в) шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

г) кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, илғор хорижий давлатларда ўқитиш ва сертификатлаш ишларини амалга ошириш;

д) курилишда назорат ўлчовини ўтказиш.

13. Эксперт ташкилотлари ўзига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш соҳасида:

объектлар лойиҳаларининг шаҳарсозлик, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлар, ёнғинга қарши ва экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлиги нуктаи назаридан экспертизадан ўтказиш;

шаҳарсозлик, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлар, ёнғинга қарши ва экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлиги бўйича шартнома асосида экспертларни жалб қилади;

эксперт ташкилотларининг хулосаларини ҳар чоракда ва йил якуни бўйича мониторинг қилиб боради;

экспертиза хулосаларини ахборот тизимига юклаб боради;

б) шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш соҳасида:

буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар, пудратчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни уларнинг мурожаатларига мувофиқ кўриб чиқади;

келишмовчиликлар юзасидан тегишли хулосалар беради;

лойиҳалашда қўпол камчилик ва хатоликларга йўл қўйган лойиҳа ташкилотлари бўйича махсус ваколатли органга тақдимнома киритади;

в) шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш соҳасида:

ўз ваколатлари доирасида шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини, шунингдек, қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг бош режаларини, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда шаҳарсозлик, зилзилабардошлик, муҳандислик изланишлари, ёнғинга қарши ва экологик нормалар ва қоидаларга, санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига мувофиқлигини текширади;

бажарилган лойиҳа-қидирув ишларининг сифатига баҳо беради;

г) кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, илғор хорижий давлатларда ўқитиш ва сертификатлаш ишларини амалга ошириш соҳасида:

доимий равишда кадрлар малакасини ошириб боради;

экспертларни хорижий ривожланган давлатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш чораларини кўради;

экспертларни белгиланган тартибда сертификатлашни таъминлайди;

белгиланган муддатларда экспертларнинг аттестациядан ўтишини таъминлайди;

д) қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш соҳасида:

қурилиш объекти бўйича тайёрланган шаҳарсозликка оид ҳужжатлар ва ҳисоботлар тўлиқ ва тўғрилигини текширади;

қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган физик иш ҳажмларини лойиҳа ҳужжатлари, оферта ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура асосида ўлчовдан ўтказади;

назорат ўлчови натижасига кўра пудрат шартномаси асосида лойиҳа ҳужжатларида, офертада ва ҳисоботларда назарда тутилган иш турларининг ҳақиқатда бажарилганлигини иш турлари бўйича аниқлайди;

назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатларини кўрсатиб беради;

қурилиш объектларида қурилиш материалларининг ҳажмини, калькуляциясини, техник параметрларини ва сифатини буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида ўзаро расмий келишув, пудрат шартномаси, оферта, лойиҳа ҳужжатлари ва ҳисоботлар асосида қўлланилганлигини текширади;

ҳақиқатда бажарилиб, ҳисоботларда акс эттирилган асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилганлигини текширади;

назорат ўлчови натижаларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текширади.

14. Эксперт ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қабул қилинган архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимларининг шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларига мувофиқлигини текшириш;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг мажбурий талабларига, энергия жихатидан самарадор ҳамда энергияни тежайдиган техник, технологик ва инновацион лойиҳа ечимларини қўллаш бўйича мажбурий талабларга риоя этилишини текшириш;

экспертиза натижалари юзасидан хулосалар тақдим этиш;

бажарилган лойиҳа-қидирув ишларининг сифатига баҳо бериш.

Эксперт ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Экспертлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳудудларни шаҳарсозлик жихатидан режалаштириш лойиҳалари бўйича комплекс шаҳарсозлик экспертизасида эксперт комиссиялари (эксперт гуруҳлари) таркибида иштирок этиш;

буюртмачилардан ва ишлаб чиқувчилардан зарур материалларни ҳамда ахборотни сўраш ва олиш;

шаҳарсозлик фаолиятининг профессионал ихтисослашувига мувофиқ лойиҳаларнинг алоҳида бўлимлари (қисмлари) бўйича экспертизани амалга ошириш, улар бўйича маҳаллий экспертиза хулосаларини тузиш. Айрим бўлимлар (қисмлар) бўйича экспертизанинг локал хулосалари шаҳарсозлик ҳужжатларини яхлит тарзда тасдиқлаш учун асос ҳисобланмайди ва экспертизанинг жамланма хулосасини тузишда фойдаланилади;

буюртмачи экспертиза хулосасида қайд этилган шартларни (талабларни) бажармаган ҳолларда, эксперт ташкилоти томонидан илгари берилган экспертиза хулосасини чақириб олинишини тақлиф қилиш.

Экспертлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Экспертлар мажбуриятлари:

шаҳарсозлик ҳужжатларининг кўриб чиқиладиган лойиҳалари бўйича давлат сирларининг ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирнинг махфийлигига риоя этиш ҳамда сақланишини таъминлаши;

ўз касбий малакасини ошириб бориш;

касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши шарт.

Экспертлар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17. Экспертларга қуйидагилар тақиқланади:

мазкур эксперт тайёрланишида бевосита ёки билвосита иштирок этган лойиҳалар юзасидан ёхуд эр (хотин) ва (ёки) бошқа яқин қариндошлар иштирокида бажарилган лойиҳалар юзасидан экспертиза ўтказиш;

шаҳарсозлик фаолиятининг субъектлари билан меҳнатга оид, молиявий жиҳатдан ва (ёки) бошқача тобелик муносабатларида бўлиш.

3-боб. Шаҳарсозлик ҳужжатларини эксперт ташкилотларига юбориш ҳамда кўриб чиқиш тартиби

18. Шаҳарсозлик ҳужжатларини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали эксперт ташкилотларига юбориш ҳамда кўриб чиқиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.

19. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ахборот тизими орқали экспертизадан ўтказиш учун буюртмачи:

а) янги қурилиш учун ушбу Низомга 2-иловага;

б) реконструкция қилиш учун ушбу Низомга 3-иловага;

в) мукамал таъмирлаш ишлари учун ушбу Низомга 4-иловага;

г) жорий таъмирлаш ишлари учун ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ аризани ахборот тизими орқали электрон кўринишда эксперт ташкилотларига юборади.

20. Шаҳарсозлик ҳужжатлари объектларнинг хавф-хатарлар тоифаларининг таснифига мувофиқ ахборот тизими орқали кўриб чиқилади.

21. Давлат бюджети ва унга тенглаштирилган манбалар, давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар кафолатлари остида олинган ташқи инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ишларнинг лойиҳа ҳужжатлари, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар лойиҳа ҳужжатлари буюртмачи ихтиёрий мурожаатига кўра эксперт ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

22. Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси хавф-хатар тоифалари бўйича қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

I тоифа объектлар – лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси мажбурий эмас;

II тоифа объектлар – лойиҳа ҳужжатлари буюртмачи ихтиёрига кўра мазкур Низомнинг 21-бандига мувофиқ эксперт ташкилотлари томонидан кўриб чиқилади;

III тоифа объектлар – лойиҳа ҳужжатлари буюртмачи томонидан ахборот тизими орқали юборилган мурожаат “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКка келиб тушади. Мазкур мурожаатлар “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан ҳудудий филиалларга ёки эксперт ташкилотларига юборилиши ёхуд ўзида кўриб чиқилиши мумкин;

5000 ва ундан кўп инсонлар ташриф буюрадиган объектлар (жумладан, йирик савдо мажмуалари) “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ёки унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўриб чиқилади;

IV тоифа объектлар – лойиҳа ҳужжатлари фақат “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан кўриб чиқилади.

23. Инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган объектларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари (ТИА, ТИХК) ҳамда импорт контрактлар бўйича лойиҳалар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан алоҳида тартиб асосида экспертизадан ўтказилади.

24. Буюртмачи томонидан ахборот тизими орқали юборилган тегишли ариза эксперт ташкилоти томонидан уч иш куни давомида текшириб чиқилади.

Текшириш натижасида шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган ёки илова қилинган ҳужжатлар белгиланган талабларга номувофиқ бўлган тақдирда, эксперт ташкилоти аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида буюртмачини беш иш куни давомида ахборот тизими орқали хабардор қилади.

Аниқланган камчиликлар тўғрисида эксперт ташкилотининг тегишли сўрови олинган кундан бошлаб буюртмачи томонидан мазкур камчиликларни бартараф этилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ахборот тизими орқали ўн иш куни давомида эксперт ташкилотига тақдим этади.

25. Эксперт ташкилотлари томонидан берилган ижобий хулосалар нусхалари ахборот тизимидаги “Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” дастурига электрон тарзда юкланиши шарт.

Алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари бундан мустасно.

26. Тегишли ҳужжатларга мувофиқ лойиҳа ҳужжатлари қурилиш ишлари билан бир вақтнинг ўзида бажариладиган объектлар бўйича экспертиза хулосаси экспертизадан ўтказиш шартномасида кўрсатилган жадвалга мувофиқ босқичма-босқич белгиланган тартибда ва ҳажмда ахборот тизими орқали берилади.

27. Эксперт ташкилотлари шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқишда иштирок этган мустақил эксперт (эксперт гуруҳ)ларнинг экспертиза (соҳавий) хулосаларини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича йиғма экспертиза хулосасини тайёрлайди.

28. Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тузилган йиғма экспертиза хулосаси эксперт томонидан имзоланади ва эксперт ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда берилган экспертиза хулосаси буюртмачига юборилади.

29. Эксперт ташкилотига тақдим этилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг сифати, дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва қабул қилинган лойиҳа ечимларига буюртмачи ҳамда лойиҳа ташкилоти жавобгардир.

4-боб. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертиза қиймати

30. Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш буюртмачи ва эксперт ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ 100 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари экспертизасининг хулосаси тақдим этилади.

Бунда, буюртмачи томонидан 30 фоиз бўнак маблағлари лойиҳа-смета ҳужжатларини электрон тизим орқали киритиш (юклаш) жараёнида тўлаб берилади.

Аккредитациядан ўтган юридик шахсларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича шартномалардаги бўнак (аванс) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

31. Объектларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган ускуналар бўйича нархи хулосада акс эттирилади.

32. Лойиҳа ҳужжатлари билан қурилиш ишлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилган объектларнинг нархлари ҳудудда шаклланган нархлардан келиб чиқиб, буюртмачи билан пудратчи ўртасида келишилган нархлар баёнига асосланган ҳолда кўриб чиқилади.

33. Эксперт ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказганлик учун хизматлар ҳақи ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

5-боб. Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш муддатлари

34. Хавф-хатар тоифалари бўйича:

I тоифа объектлар шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси ўн беш кун муддатда;

II, III ва IV тоифалардаги объектлар шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси ўттиз кун муддатда кўриб чиқилади.

35. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг йирик ва мураккаблигидан келиб чиқиб, томонларнинг келишувига мувофиқ экспертизани ўтказиш муддатлари узайтирилиш мумкин.

36. Шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича эксперт ташкилотлар томонидан берилган экспертиза хулосасининг амал қилиш муддати 2 йил.

6-боб. Экспертиза хулосаси

37. Экспертиза хулосасида қуйидагилар акс эттирилиши шарт:

қурилишни амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва асосий лойиҳа ечимлари ҳамда қурилиш объектининг техник-иқтисодий кўрсаткич манбалари бўйича маълумотларнинг қисқача тавсифи;

экспертиза ўтказиш жараёнида қабул қилинган лойиҳа ечимлари бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида аниқ изоҳ ва таклифлар;

кейинги лойиҳалаштириш жараёнида алоҳида лойиҳа ечимларини қўшимча равишда батафсил такомиллаштириш бўйича тавсиялар;

объект лойиҳасининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига лойиқлиги бўйича тавсифи;

шаҳарсозлик ҳужжатларини тасдиқлаш учун берилган тавсиялар (лойиҳа ечимлари ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига олиб келадиган жиддий эътирозлар бўлмаган тақдирда) ёки рад этиш (қайта кўриб чиқиш учун қайтариш) сабаблари кўрсатилган хулоса.

38. Экспертизани ўтказиш натижалари йиғма экспертиза хулосаси ҳисобланиб, унда қуйидагилар акс эттирилади:

шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилиши ҳақидаги талаблар;

қурилиш объектларининг чекланган қиймати, қурилиши тўғридан-тўғри инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган объектлар қиймати бундан мустасно;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган талабларга номувофиқлиги, рад этиш ёки қайта кўриб чиқиш учун қайтариш тўғрисидаги талаблар.

39. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги ижобий хулоса қуйидагилар учун асос бўлади:

шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

кейинги лойиҳалаштириш босқичини ишлаб чиқиш;

объектни қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш;

тендер (танлов) ҳужжатларини тайёрлаш;

молиялаштиришни амалга ошириш.

40. Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси хулосасининг намунавий шакли ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

41. Хулоса икки нусхада тайёрланади, бир нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси экспертиза ташкилотида сақланади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

42. Лойиҳа ечимларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, шу жумладан, қурилаётган ёки мавжуд объектларнинг конструкцияси ўзгарганда (бино иншоотнинг зилзилабардошлигига ҳамда ёнғин хавфсизлигига таъсир қилувчи ўзгаришлар мавжуд бўлганда), шаҳарсозлик ҳужжатлари киритилаётган ўзгартиришлар қисмида қайта экспертизадан ўтказилади.

43. Эксперт ташкилотларининг берган хулосалари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

44. Муайян эксперт ташкилоти томонидан берилган хулосаларда кўрсатилган маълумотлар ва кўрсаткичлар бўйича мутасаддилар томонидан бир йил давомида камида уч марта хатоликлар ёки экспертиза сифатсиз ўтказилганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, эксперт ташкилотининг экспертиза фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжати (гувоҳномаси) ваколатли орган томонидан бекор қилинади ҳамда уч йил мобайнида мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Экспертиза сифатсиз ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, экспертлар ва эксперт ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

45. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Шаҳарсозлик ҳужжатларини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали
эксперт ташкилотларига юбориш ҳамда кўриб чиқиш
ТАРТИБИ**

Босқичлар

Масъуллар

Амалга ошириладиган тадбирлар

Муддатлар

1-босқич

Буюртмачи

Шаҳарсозлик ҳужжатларини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали белгиланган тартибда эксперт ташкилотига юбориш.

Белгиланган тартибда

2-босқич

Ахборот тизими томонидан автоматик равишда

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича келиб тушган мурожаатни қабул қилиб олиш ҳамда топшириқ шакллантириш учун раҳбарга юбориш.

1 кун
муддатда

3-босқич

Эксперт ташкилоти раҳбари

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича электрон шаклда тушган мурожаатни кўриб чиқиш учун бош экспертга юбориш.

1 кун
муддатда

Босқичлар

Масъуллар

Амалга ошириладиган тадбирлар

Муддатлар

4-босқич

Бош эксперт

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг тўлиқлигини ўрганиб чиқиш:
1. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, экспертиза бўйича шартномани тайёрлаш учун шартномалар бўлимига юбориш;
2. Ўрганиб чиқиш натижасида шаҳарсозлик ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган ёки илова этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга номувофиқ бўлган тақдирда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун буюртмачига қайтариш.

1 кун
муддатда

5 кун
муддатда

5-босқич

Буюртмачи

Шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисида эксперт ташкилотининг тегишли сўрови олинган кундан бошлаб мазкур камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларни эксперт ташкилотига юбориш.

10 кун
муддатда

6-босқич

Эксперт
ташкilotи
Шартномалар
бўлими

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун шартномани тайёрлаш ва буюртмачига юбориш.

1 кун
муддатда

7-босқич

Буюртмачи

Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси учун шартномага мувофиқ ҳисобланган тўловни эксперт ташкилотининг ҳисобрақамига тўлаш.

3 кун
муддатда

8-босқич

Эксперт
ташкilotи
Шартномалар
бўлими

Буюртмачи томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов хабарномасини бош экспертга юбориш.

1 кун
муддатда

Босқичлар

Масъуллар

Амалга ошириладиган тадбирлар

Муддатлар

9-босқич

Бош эксперт

Шаҳарсозлик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун мурожаатни бажариш муддатини белгиланган ҳолда тегишли экспертларга юбориш.

1 кун
муддатда

10-босқич

Экспертлар

1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш.
2. Экспертиза натижалари тўғрисидаги хулосаларни ахборот тизимида киритиш ва йиғма экспертиза хулосасини тайёрлаш учун бош экспертга юбориш.

12 кун
муддатда

11-босқич

Бош эксперт

1. Экспертлар томонидан тақдим этилган хулосаларни ўрганиб чиқиш ва улар асосида йиғма экспертиза хулосасини тайёрлаш.
2. Йиғма экспертиза хулосасини тасдиқлаш учун эксперт ташкилоти раҳбарига юбориш.

12 кун
муддатда

12-босқич

Экспертиза
ташкилоти
раҳбари

1. Йиғма экспертиза хулосасини ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш ва буюртмачига юбориш.
2. Йиғма экспертиза хулосасини ахборот тизимидаги Ягона электрон реестрга жойлаштириш.

1 кун
муддатда

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Янги қурилиш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини
ахборот тизими орқали экспертизадан ўтказиш учун аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ташкилот бланкасида

_____ га
эксперт ташкилотининг номи

_____ дан
буюртмачининг номи (лойиҳачи)
юридик манзили, ИФУТ, МФО, ҳисобрақами

Ариза

1. Объектни янги қуриш учун асос бўлган норматив ҳужжат:

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва топшириқлари,
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, топшириқлари ва бошқа ҳужжатлар)

**2. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ёки
Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари томонидан тасдиқланган
архитектура-режалаштириш топшириғи:**

(баён, йил, ой, кун)

**3. Белгиланган тартибда мутасадди идоралар томонидан тасдиқланган
лойиҳалаш топшириғи:**

**4. Муҳандислик тармоқларига уланишнинг техник шартлари,
муҳандислик тармоқларини назорат қилувчи ва улардан фойдаланувчи
манфаатдор ташкилотлар билан келишилган материаллар:**

5. Қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари тўғрисидаги хулосалар:

6. Лойиҳа-тадқиқот ишлари учун тузилган шартнома:

(шартнома нусхаси)

7. Лойиҳалаш учун лицензия:

(лицензия рақами, берилган йил, ой, кун)

8. Объект жойлашган ҳудуддаги Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари томонидан қабул қилинган Кенгаш хулосаси:

(берилган йил, ой, кун)

9. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг эътирозларсиз хулосаси:

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

10. Лойиҳалашнинг аввалги босқичида кўриб чиқилган ва тасдиқланган материаллар ва ҳужжатлар:

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

11. Махсус ваколатли органнинг илмий-тадқиқот кенгаши баёни (хулосаси):

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, ўта муҳим, махсус ёки стратегик объектлар бўйича тегишли ҳолларда)

12. Соҳавий хулосалар:

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

*Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова*

**Объектларни реконструкция қилиш бўйича шаҳарсозлик
ҳужжатларини ахборот тизими орқали экспертизадан
ўтказиш учун аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ташкилот бланкасида

_____ га
эксперт ташкилотининг номи

_____ дан
буюртмачининг номи (лойиҳачи)
юридик манзили, ИФУТ, МФО, ҳисобрақами

Ариза

1. Объектни реконструкция қилиш учун асос бўлган норматив ҳужжат:

_____ *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва топириқлари,
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, топириқлари ва бошқа ҳужжатлар)*

2. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ёки
Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари томонидан тасдиқланган
архитектура-режалаштириш топириғи:

_____ *(баён, йил, ой, кун)*

3. Белгиланган тартибда мутасадди идоралар томонидан тасдиқланган
лойиҳалаш топириғи:

4. Муҳандислик тармоқларига уланишнинг техник шартлари,
муҳандислик тармоқларини назорат қилувчи ва улардан фойдаланувчи
манфаатдор ташкилотлар билан келишилган материаллар:

5. Қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари тўғрисидаги хулосалар:

6. Реконструкция қилиш талаб этиладиган бино ва иншоотларни техник кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса:

7. Лойиҳа-тадқиқот ишлари учун тузилган шартнома:

(шартнома нусхаси)

8. Лойиҳалаш учун лицензия:

(лицензия рақами, берилган йил, ой, кун)

9. Нуқсон далолатномаси:

10. Объект жойлашган ҳудуддаги Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари томонидан қабул қилинган Кенгаш хулосаси:

(берилган йил, ой, кун)

11. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг эътирозларсиз хулосаси:

(эксперт ташилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

12. Лойиҳалашнинг аввалги босқичида кўриб чиқилган ва тасдиқланган материаллар ва ҳужжатлар:

(эксперт ташилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

13. Махсус ваколатли органнинг илмий-тадқиқот кенгаши баёни (хулосаси):

(эксперт ташилотининг сўровига кўра, ўта муҳим, махсус ёки стратегик объектлар бўйича тегишли ҳолларда)

14. Соҳавий хулосалар:

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

Изоҳ: 1-7 бандларга мувофик талаблар мажбурий, 8-14 бандларга мувофик ҳужжатлар буюртмачи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, эксперт ташкилотининг сўровига асосан тақдим этилиши шарт.

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Объектларни мукаммал таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик
ҳужжатларини ахборот тизими орқали экспертизадан
ўтказиш учун аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ташкилот бланкасида

_____ га
эксперт ташкилотининг номи

_____ дан
буюртмачининг номи (лойиҳачи)
юридик манзили, ИФУТ, МФО, ҳисобрақами

Ариза

1. Объектни мукаммал таъмирлаш учун асос бўлган норматив ҳужжат:

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва топириқлари,
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, топириқлари ва бошқа ҳужжатлар)

2. Белгиланган тартибда мутасадди идоралар томонидан тасдиқланган
лойиҳалаш топшириғи:

3. Лойиҳа-тадқиқот ишлари учун тузилган шартнома:

(шартнома нусхаси)

4. Лойиҳалаш учун лицензия:

(лицензия рақами, берилган йил, ой, кун)

5. Нуқсон далолатномаси:

6. Мукаммал таъмирлаш талаб этиладиган бино ва иншоотларни техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса:

7. Объект жойлашган ҳудуддаги Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари томонидан қабул қилинган Кенгаш хулосаси:

(берилган йил, ой, кун)

8. Соҳавий хулосалар:

(эксперт ташкилотининг сўровига кўра, тегишли ҳолларда)

Изоҳ: 1-7 бандларга мувофиқ талаблар мажбурий, 8-бандга мувофиқ ҳужжатлар буюртмачи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, эксперт ташкилотининг сўровига асосан тақдим этилиши шарт.

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Объектларни жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини
ахборот тизими орқали экспертизадан ўтказиш учун аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ташкилот бланкасида

_____ га
эксперт ташкилотининг номи

_____ дан
буюртмачининг номи (лойиҳачи)
юридик манзили, ИФУТ, МФО, ҳисобрақами

Ариза

1. Объектни жорий таъмирлаш учун асос бўлган норматив ҳужжат:

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва топириқлари,
Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, топириқлари ва бошқа ҳужжатлар)

**2. Белгиланган тартибда мутасадди идоралар томонидан тасдиқланган
лойиҳалаш топириғи:**

3. Лойиҳа-тадқиқот ишлари учун тузилган шартнома:

(шартнома нусхаси)

4. Лойиҳалаш учун лицензия:

(лицензия рақами, берилган йил, ой, кун)

5. Нуқсон далолатномаси:

Изоҳ: 1-5 бандларга мувофиқ талаблар мажбурий.

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларининг
лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари,
аккредитациядан ўтган юридик шахслар томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини
экспертизадан ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар қийматини
ҲИСОБЛАШ ЖАДВАЛИ**

Т/р	Бажариладиган ишларнинг экспертизаси номи	Асоси	Ўлчов бирлиги	Смета қийматидан олинадиган улуш
1.	Янги қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси*	смета қийматидан	%	0,1
2.	Янги қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта кўриш экспертизаси*	смета қийматидан	%	0,05
3.	Барча объектлар смета қийматларининг экспертизаси **	смета қийматидан	%	0,05
4.	Барча объектларнинг қайта ҳисоблагандаги смета қийматларининг экспертизаси**	смета қийматидан	%	0,02
5.	Объектлар лойиҳаларининг зилзилабардошлик ва ёнғин хавфсизлиги бўйича берилган экспертиза хулосалари***	иш ҳажми (м ²) дан БҲМ 2 %		
		иш ҳажми (м ³) дан БҲМ 1,5 %		
		иш ҳажми (пм) дан БҲМ 1 %		

Т/р	Бажариладиган ишларнинг экспертизаси номи	Асоси	Ўлчов бирлиги	Смета қийматидан олинадиган улуш
6.	Мутахассисларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар томонидан эксперт сифатида жалб қилиниши	ҳар бир кунига БХМнинг 5 баравари		

Изоҳ:

Пудратчининг бошқа харажатлари, машина-механизм харажатлари ва бошқа ишлар калькуляциясини экспертизадан ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди ва хизмат ҳақи базавий ҳисоблаш қийматининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади.

** Лойиҳа-смета ҳужжатларини тўлиқ экспертизадан ўтказиш хизмати базавий ҳисоблаш қийматининг 3 бараваридан кам бўлмаган ҳолда белгиланади.*

*** Объектлар смета қийматининг экспертизаси учун олинадиган энг кам миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварига тенг бўлади.*

**** Объектлар шартнома қийматлари ҳисобланганда, қурилиш ҳажми билан биргаликда ертўла, қаватлар ва қўшимча бино, иншоотлар ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳажмлари ҳам ҳисобга олинади.*

Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал
ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа
ҳужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик
ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертиза хулосаси НАМУНАСИ

Ташкилот бланкасида

ЭРИ (раҳбар)

ЙИҒМА ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ № _____

ишчи лойиҳа бўйича объектни қуриш, реконструкция қилиш,
мукамал ва жорий таъмирлаш

“ _____ ”
(лойиҳалаш топшириғи бўйича қурилиш объектининг номи)

Буюртмачи: _____

Бош лойиҳачи: _____

Лицензия __ — сон, “ __ ” _____
(қачон, ким томонидан берилган)

Молиялаштириш манбаи: _____

Бош пудратчи: _____
(агар қарор қабул қилувчи орган томонидан белгиланган бўлса)

Қурилиш тури: _____
(янги қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва бошқалар)

I. Лойиҳалаш учун асос.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси
қорорлари ва бошқалар.

2. Тасдиқланган лойиҳалаш топшириғи (белгиланган тартибда тегишли
идора ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда, қачон ва ким томонидан).

3. Архитектура-режалаштириш топшириғи, қачон ва ким томонидан
берилган.

4. Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишнинг техник шартлари ва муҳандислик тармоқларини назорат қилувчи манфаатдор ташкилотлар билан тасдиқлаш учун материаллар.

5. Қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари бўйича хулосалар.

6. Объект лойиҳасининг энергия самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича хулоса.

7. Реконструкция ёки таъмирлашни талаб қиладиган бино ва иншоотлар техник кўрикдан ўтказилганлиги бўйича хулоса.

8. Лойиҳа ва тадқиқот ишлари учун шартнома 20 й. “__”____.

9. Белгиланган тартибда буюртмачи томонидан 20 й. “__”____ да тасдиқланган объектнинг нуқсон далолатномаси.

II. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.

Лойиҳани ишлаб чиқиш босқичида “Ишчи лойиҳа ёки ҳужжатлар”нинг таркиби.

III. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни *(мазмуни қисқа ва тушунарли бўлиши талаб этилади).*

1. Қурилиш майдонининг шартлари *(геология, мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, зилзилага бардошлиги, ёнгин хавфсизлиги ва бошқалар).*

2. Объектнинг бош режаси *(асосий техник-иқтисодий кўрсаткичи (ТИК), чегарадошлиги).*

3. Қурилиш майдонининг жойлашган манзили.

4. Асосий лойиҳа ечимлари *(мустаҳкамлиги, хавфсизлиги (зилзилабардошлиги ва ёнгин хавфсизлиги) ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида - лойиҳа таркиби параметрлари ва кўрсаткичлар (m^2 , m^3)).*

IV. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:

Ичимлик сув, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, канализация, сигнализация ва бошқалар *(лойиҳалашида техник шартларга риоя этилганлиги ва бошқа ечимлар).*

V. Лойиҳанинг келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

1. Буюртмачининг хулосаси *(талаб ва таклифлар бор ёки йўқлиги).*

2. Давлат экология экспертизасининг хулосаси.

3. Маҳаллий архитектура органи ва бошқа манфаатдор идоралар.

VI. Экспертиза натижалари.

1. Экспертиза жараёнида мутахассисларнинг изоҳларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларига қуйидаги асосий тузатишлар ва қўшимчалар киритилади.

2. Экспертиза натижаларига кўра қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) ва буюртмачининг бошқа харажатлари билан ____ минг сўм миқдорида тақдим этилган лойиҳа қиймати ____ минг сўмга камайтирилиб, ____ минг сўм қилиб белгиланди. Хусусан:

Қурилиш-монтаж ишлари: ____ минг сўм.

Асбоб-ускуналар: ____ минг сўм.

ҚҚС: ____ минг сўм.

Буюртмачининг бошқа харажатлари: ____ минг сўм.

3. Якуний харажат буюртмачи ва пудратчи томонидан қурилиш тугагандан сўнг назорат ўлчови натижалари асосида аниқланади.

ЭРИ (ходим)

4. Буюртмачи лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлашдан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.

5. Экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларининг тўлиқлиги, маълумотларнинг ишончлилиги юзасидан буюртмачи ва қабул қилинган лойиҳа ечимлари юзасидан ишлаб чиқувчи жавобгар ҳисобланади.

VII. Хулосалар.

Экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда,
“ _____ ”

(лойиҳалаш топшириғи бўйича қурилиш объектининг номи)

ишчи лойиҳа келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тавсия этилади.

Ижрочи мутахассис

ЭРИ (ходим) Ф.И.О.

Ф.И.О.

Иштирокчи экспертлар: _____

Ф.И.О.

Изоҳ:

Мазкур хулоса намунавий хусусиятга эга бўлиб, айрим шаҳарсозлик ҳужжатлари юзасидан ушбу хулосада қайд этилмаган талаблар мавжуд бўлганда, кўриб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари ушбу намунавий хулоса талабларидан четга чиқмасдан, қўшимча талаблар бўйича хулоса берилиши керак.



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 сентябрдаги 579-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 5-сон, 33-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори) 2016 йил 23 майдаги 166-сон қарорига илованинг 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарорининг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 23-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сон қарорига илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон фармони) 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 122-банди.